SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2018-yil, 25-sentabr. Seshanba • 93 (32.461) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратленни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Америка Қўшма Штатлари алоқаларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашга АҚШ элчиси шахсан салмоқли ҳисса қўшганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифининг самарали натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даври учун мустаҳкам замин яратди.

Томонларни қизиқтирган барча масалалар бўйича конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Парламентлараро алмашувлар фаоллашди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда. Фан, таълим ва маданият соҳаларида, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик ривожланмоқда.

АҚШ элчиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиши ҳамда мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини қайд этди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун АҚШнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йил кузда Туркияга ва жорий йил баҳорда Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифлари давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар, улар якунида имзоланган муҳим ҳужжатлар турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Сиёсий мулоқот фаол ривожланмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари билан ҳамкорликда савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилма, транспорт, туризм, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда инвестиция дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён 230 дан ортиқ Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ташкил этилгани Туркия ишбилармонларининг Ўзбекистонда бизнес юритишга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми шу даврда 40 фоиздан зиёдга ошди.

Маданий-гуманитар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутади. Мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисида дўстлик гуруҳлари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум ва «Йўл харита»си қабул қилинган.

Суҳбатда олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликка оид қўшма дастур ва лойиҳаларнинг парламентлар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳимлиги қайд этилди.

Бинали Йилдирим Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмон Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳолаб, Туркия мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Конструктив мулоқот давомида томонларнинг анъанавий дўстлик муносабатлари ва узоқ муддатли стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга интилиши қатъий экани қайд этилди.

ЎзА

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон — Туркия: ҚАРДОШЛАРДАН ҚАРДОШЛАРГА

Туркия парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги — ТИКА томонидан юртимиз аҳолисига сифатли тез тиббий ёрдам ва давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида 50 та тез тиббий ёрдам машинаси ва 20 та мобиль офис автобуси ажратилди. «Ўзэкспомарказ»да ушбу транспорт воситаларини Соғлиқни сақлаш ва Адлия вазирликларига топшириш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Зарур моддий-техник базага эга, қўёш панеллари билан таъминланган 20 та мобиль офис автобуси қатор давлат хизматларини бевосита жойларда, қолаверса, ФҲДЁ ва нотариус хизматларини кўрсатиш имконини беради.

— Бугунги ишларимиз Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган, — дейди **ТИКА нинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Али Эҳсонбий.** — Мазкур стратегияда соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизмат сифатини ошириш кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб биз тез ёрдам машиналарини янгилаш бўйича ишларни амалга оширдик. Бу машиналар ҳозирча 50 та. Кейинчалик уларнинг сонини янада ошириш бўйича режамиз бор. Мазкур машиналар Туркияда жиҳозланди ва кичик реанимация мажмуасига айлантирилди. Натижада уларда беморни фақатгина бир-жойдан иккинчи жойга олиб бориш эмас, балки унинг аҳволи оғир бўлса, унга реанимация хизмати кўрсатиш имконияти бор.

Шунингдек, биз Самарқандда ишлаб чиқарилган «ISUZU» автобусларини олдик. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг истеъдодли ёшлари билан ҳамкорликда университет технопаркида автобусларни қўёш панели билан ишлайдиган кичик офисларга айлантирдик. Уларга эътибор берган бўлсангиз, иккига ажратилган. Уларда ноутбук, принтер, умуман бир офисда бўладиган ҳамма жиҳозлар бор. Ҳурматли Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил бошида ТИКА — Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги раҳбарини қабул қилганида Ўзбекистонда амалга оширадиган дастурлар сонини икки баробарга кўпайтириш юзасидан тавсия берган эди. Биз ўтган 9 ойда 75 лойиҳани амалга оширдик. Бугун биз учун, қардошларимиз учун, лойиҳа ҳамкорларимиз учун катта байрам...

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2018 йил 27 сентябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага, 2018 йил 26 сентябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ДЕПУТАТ ЧОРЛОВИ

ХИРМОНИМИЗНИНГ БАРАКАСИНИ БЕРСИН

Қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун биринчи босқич — контрактация шартномаси мажбурияти 60 фоизга бажарилгунга қадар 650 сўмдан, 60 фоиздан 80 фоизга қадар 850 сўмдан ва учинчи босқичда 1000 сўмдан ҳақ тўланади.

Бу хушхабар ҳақида куни кеча ОАВ орқали эълон қилинган Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мурожаатида айтилганди.

Шунингдек, мурожаатда жорий йилда шартномадан ортиқча топширган ҳар бир килограмм пахта учун 15 фоиз устама ҳақ олиш белгиланган.

Серҳосил ерларимиз, қадрдон пахтазор пайкалларимиз айни кунларда яна теримчиларга маҳтал. Муҳим жиҳатлардан бири теримчиларнинг пахтани тоза ҳамда бир чаноқ қилмасдан теришига эътибор қаратиш лозим. Бунинг натижасида ҳосилдорликни 5-7 центнерга оширишга эришиш мумкинлигини унутмаслик керак.

Бугун Наманган вилоятида фаолият юритаётган 3058 фермер хўжалигининг қай бирига борманг, қизғин йиғим терим устидан чиқасиз. 65650 гектар майдонда кутилганидан зиёд ҳосил етиштирилди. 192500 тонналик хирмонни тезроқ тиклаш эзгу ниятимизга айланган.

Вилоятимизда катта карвон ҳисобланган Поп, Мингбулоқ, Наманган, Уйчи туманларида йиллик режани уддалаган фермер хўжаликлари сони кун сайин ортиб бормоқда.

Бироқ ҳали пахтазордаги ҳосил чўғига нисбатан теримчилар сони оз. Кунига 100-120 килограммдан пахта териб, оиласига 70-80 минг сўмдан даромад билан кираётган опа-сингилларимиз, пахта териш завқини юрагидан туядиган азамат ака-укаларимиз бор. Куз об-ҳавоси қимматбаҳо неъматни қор-ёмғирда қолиши эҳтимолини тобора кучайтирмоқда. Шундан келиб чиқиб, пахта теримини виждон ишига айлантиришга даъват этмоқдамиз.

Бугун вақтинча ишсиз кишилар, айниқса, хотин-қизлар учун оила даромадини мустаҳкамлашнинг катта имконияти бор. Сиз пахта теримида қатнашиб, даромад кўриш баробарида мамлакатимиз хирмонига хисса қўшган бўласиз.

Баҳодир КАРИМОВ,
Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

КЛАСТЕР — ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Президентимизнинг юртни фаравон, халқни бой қилувчи инновацион ғояларидан бири — Кластер тизими мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб Республикамизнинг деярли барча вилоятлари ўз катта-кичик кластерларига эга. Давлатимиз раҳбари 12 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишда келгуси йилдан бошлаб бу тизим барча туманларда аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг «локомотиви» бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий бозор муносабатларини кенг жорий этиш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз кераклиги таъкидланди. Келгусида пахта етиштирувчи 133 тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади. Янги ташкил этилаётган кластерлар томонидан 41 корхона ташкил этилиб, 25 мингта яқин иш ўрни яратилади.

Мамлакатимиз Президентининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Саммитидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслардан бири агросаноат кластерларни ривожлантириш ғояси бўлди. Бу инновацион ғоя тезда дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинди. Масалан, АҚШда чоп этиладиган ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмончилик соҳасида дунёда етакчи илмий нашр ҳисобланган «Agriculture and Forestry» халқаро илмий-таҳлилий журналида «Ўзбекистонда пахта тўқимачилик кластери таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлиги базаси сифатида» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ғояси асосида Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион пахта тўқимачилик кластери тизимининг ноёблиги, янгилиги, халқнинг ҳаёт сифати ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги стратегик аҳамияти ҳам илмий-назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизни дунёнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишининг йўли — бу аграр соҳада, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизимларининг жорий этилиши ҳисобланади.

Хўш, кластер нима ўзи, бу ғоя қачон, қаерда пайдо бўлган ва унинг аҳамияти, қудрати нимада?

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжирини» кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сони муттасил ошиб бориши иш билан таъминлаш, аҳолига қулай фаолият жараёнини яратишни тақозо этаётир.

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган «Кластер»лар яратишдир.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад — шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инженеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш — инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлащдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.

«Кластер» атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси «боғлам», «гуруҳ», «тўпланиш» маъноларини беради. «Кластер» назариясининг асоси бўлиб, Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган «Иқтисодиёт принциплари» номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади.

► *Давоми 3-бетда.*

Фарғонада «Ахборот майдонида босма нашрлар, электрон ОАВ ва ижтимоий тармоқлар мутаносиблиги» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ҲАР БИР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида фаолият юритаётган босма ва электрон ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.Кўчимов, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари И.Носиров, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ж.Тўхташев, «Ишонч» газетаси бош муҳаррири Ҳ.Эрматов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни демократик ва либерал ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бугунги янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам тез суръатларда ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимиз талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишда оммавий ахборот воситалари ҳам фаол қатнашаётир.

Давлат умумтаълим муассасаларига болаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОСИ ФИКРИ

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ

ёки халқ таълими тизимидаги ўзгаришлар ҳақида

Нўъмон АКБАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

Жамоатчиликни сўнгги вақтларда бир масала ўйлантириб, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётганди. Бу — ўқитувчининг қадр-қиммати, таълимнинг сифати, интеллектуал салоҳият масаласи эди. Дарҳақиқат, ушбу мезонлар тараққиётни белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан камол топтиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йилда «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини жорий этиш, ўқитувчи касбининг нуфузини оширишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараладиганини амалий тасдиғидир.

Ушбу ҳужжат халқ таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унга кўра, соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли ва масъулияти янада кучайтирилди. Энди Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар халқ таълими бошқарма ҳамда бўлимлари, вазирликка идоравий мансуб бошқа ташкилот ва муассасалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ёки озод қилиш масаласи маҳаллий ижро органлари билан келишилмай, Халқ таълими вазири томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Хусусан, муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизими жорий этилади.

2019 йил 1 январдан бошлаб туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинг тузилиб, кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай унинг якунлари оммавий ахборот воситаларида ва таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси веб-сайтида жойлаштирилади.

Ўз навбатида, бу ўқув муассасаларида таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчиларнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратини оширишга, умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиқлик, шаффофликни таъминлашга хизмат қилади. Ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради.

Ушбу ҳужжат билан 2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасаларига болаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади. Ана шунда ота-оналарга таълим муассасасига бормасдан, унинг раҳбарига учрашмасдан, муассаса тўғрисида шаффоф маълумот олиш тартиби яратилади. Бюрократик тўсиқларсиз фарзандини умумтаълим муассасаларига жойлаштириш имкони туғилади. Шу йилнинг 1 октябридан умумтаълим муассасаларининг васийлик кенгашлари тузилиши ва таркибига муассаса фаолиятига жиддий ҳисса қўшишга қодир энг фаол ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлардан иборат умумтаълим муассасаларининг кузатув кенгашларининг ташкил этилиши кўзда тутилган. Ушбу ўзгариш умумтаълим муассасаси раҳбарини сайлаш, уни эгаллаб турган лавозимидан озод этишда ота-оналар ва битирувчилар вакилларининг бевосита иштирок этишини таъминлаши билан аҳамиятлидир.



2019 йил 1 январдан бошлаб туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинг тузилиб, кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай, унинг якунлари оммавий ахборот воситаларида ва таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси веб-сайтида жойлаштирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, келажагимиз эгаларининг тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжат замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ҳамда кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, халқимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган садоқатли кадрлар тайёрлаш масаласини принципиал, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармони асосида жойларда «Маҳалла маркази» мажмуалари фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда ана шундай мажмуалардан бири пойтахтимизнинг «Янги Сергели» маҳалласида иш бошлади.

Намунавий лойиҳа асосида қурилган мажмуа очилишида сўзга чиққан Сергели тумани ҳокими Нозим Ҳусанов бундай маҳалла гузарларининг афзалликлари ҳақида алоҳида тўхталиб, аҳоли маданий-маънавий ҳордиқ чиқариши учун кенг шароитлар яратилганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Маҳалламизда 3800 нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилмоқда, — деди **мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шораҳим Шомансуров.** — Замонавий, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган маҳалла марказининг очилиши барчани қувонтирди. Бу ерда маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчи ва профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди. Айниқса, марказ таркибида кутубхона фаолияти йўлга қўйилгани фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Ҳозирча унинг фондида мингга яқин китоб бор. Келажакда бу рақамни бир неча баробар оширамиз, албатта.

Тадбир доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда битирувчи йигит-қизларга имтиёзли кредитлар олиш тартиби, бизнес режа тузиш борасида тушунча ҳам берилди.

Куннинг иккинчи ярмида партия ходимлари ва **халқ депутатлари Сергели туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Абдулжамил Содиқов** маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олишди.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

ПАРТИЯДОШИМИЗ ИБРАТИ

«Валиобод» фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Раъно Валиеванинг бугун юзи ёруғ. У жорий йилда ҳам республикамизда биринчилардан бўлиб, пахта шартномавий режасини ортиғи билан бажарди.

— 31,3 гектар ерда пахтанинг «Бухоро-6» навини етиштирдик. Режада кўрсатилган 76,6 тонна ўрнига 80 тонна ҳосил йиғиштириб олдик, — дейди **«Валиобод» фермер хўжалиги раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Раъно Валиева.** — Хомашёни кластер ҳамкоримиз «Бахт-текстиль» масъулияти чекланган жамиятига етказиб бердик. Давлатимиз томонидан фермерларга яратиб берилган шарт-шароитлар, кластер усулининг жорий этилгани ер эгаларининг оғирини енгил қилди. Техника ва минерал ўғитлар ўз вақтида етказилиб, суғориш ишлари намунали олиб борилди. Шунингдек, 60 нафар ҳашарчи ўз ихтиёри билан теримда иштирок этиб, бизга яқиндан кўмак берди. Терим пуллари уларга ўз вақтида тарқатилди.

— Ҳозир туманимизда пахта йиғим-терим мавсуми авж паллада, — дейди **ҳашарчи Насиба Маҳмудова.** — Ҳар килограмм пахта учун 750 сўмдан пул олаяпмиз. Ойламиз билан кунига 250 килограммгача пахта теряпмиз.

— Раъно Валиевани нафақат туманимизда балки республикамизда ҳам яхши танишади, — дейди **ЎзХДП Қизилтепа туман кенгаши раиси Фазлиддин Темиров.** — У депутат сифатида ҳам фаол, доимо сайловчилар билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда ташаббус кўрсатиб келмоқда. Ҳар йили 3-4 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг ўқиши учун шартнома пулларини тўлаб бермоқда. Сафимизда ана шундай фидойи инсонлар борлигидан фахрланамиз.

Илҳом САТТОРОВ





НОЯБРЬ ОЙИДАЁҚ ГАЗЕТАЛАРИМИЗГА ЙИЛЛИК ОБУНА БЎЛИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Газетамизнинг шу йил 13 сентябрь сонида «Сурхондарёлик партиядошларимиз, депутатлар газета ўқимайдими?» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда 2018 йилги обунани ташкил қилиш борасида вилоятда қатор камчиликларга йўл қўйилгани, хусусан, партиядошларимиз ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига йиллик обуна бўлмагани ҳақида сўз юритилганди.

Жорий йилнинг 14 сентябрь куни Термиз шаҳрида маҳаллий кенгашлар раислари иштирокида Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди ва унда ушбу масала атрофлича муҳокама қилинди.

— Ютуқлар билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам оз эмаслигини тан олишимиз керак, — деди **Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Мавжуда Ҳасанова.** — Ўтган йили халқ депутатлари вилоят, 13 туман ва бир шаҳар Кенгашлари мутасаддилари томонидан партиямиз нашрларига икки нусхадан йиллик обуна расмийлаштирилгани қувонарли. Аммо халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 18 нафар депутатнинг 12, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 125 депутатдан 66 нафари «Голос Узбекистана»га, икки нафар депутат «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлмаганини қандай баҳолаш мумкин? Шеробод, Сариосиё, Музработ, Қизириқ туманларида «Ўзбекистон овози» газетаси режаси 10-19, Ангор, Олтинсой ва Термиз туманларида 30-32 фоизга бажарилган.

Мавжуд 670 га яқин бошланғич партия ташкилотида обуна деярли уюштирилмаган. Бошланғич ташкилотлар етакчилари партия нашрларини ўқимаса, илғор тажрибаларни ўрганиб бормаса, улардан нимани кутиш мумкин?

Тадбир давомида Ўзбекистон ХДП Шеробод, Сариосиё, Музработ ва Қизириқ туманлари кенгашлари раисларига обуна масаласига жиддий ёндашиш, кўрсатма ва тавсияларни ўз вақтида бажариш вазифаси юклатилди.

Танқидий-таҳлилий рухда ўтган йиғилиш якунида сурхондарёлик партиядошларимиз ва депутатлар ноябрь ойида партиямиз нашрлари обуна режасини бажаришга келишиб олинди.

— Ҳақиқатан ҳам мақолада долзарб масала хусусида фикр билдирилган, — дейди **Ўзбекистон ХДП Музработ туман кенгаши раиси Панжи Норматов.** — Электоратимиз вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг ёритилиши ва аҳолини бундан хабардор қилишда партиямиз нашрларининг аҳамияти катта. Аммо ўтган йилда «Ўзбекистон овози» бор-йўғи 17 фоизга, «Голос Узбекистана» газетаси эса 29 фоизга уддаланди, холос.

Танқидий мақола ва Термиз шаҳрида ўтказилган йиғилишдан кейин депутатлар, фаоллар ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирокида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда йўл қўйилган камчилик ва бой берилган имкониятлар алоҳида таъкидланган ҳолда келгуси йил учун «Ўзбекистон овози»га 42, «Голос Узбекистана» газетасига эса 20 нусхада йиллик обуна ташкил қилишга келишиб олдик.

Вилоятнинг барча туманларида ҳам обуна режасини ноябрь ойи охиригача бажаришга ҳаракат қилинмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАР БИР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Кейинги йилларда мамлакатимизда, айниқса, интернет журналистикаси жадал ривожланиб, ижтимоий тармоқлар ва электрон ОАВнинг ахборот маконидаги ўрни ва роли кенгайиб бормоқда. Босма нашрларда ҳам ошкоралик, таҳлил ва холис танқид руҳи кучайгани «тўртинчи ҳокимият»нинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон нафақат иқтисодиётда, балки жамиятимизнинг барча жабҳаларида эркинлик, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги, плюрализм томон кун сайин дадил бормоқда, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов. — Юртимиз матбуотида ҳам жамиятга ҳамоҳанглик кузатилмоқда. Таҳлил, танқид, таклиф бош йўналиши бўлган мақолалар, кўрсатувлар босма ва электрон ОАВда кун сайин кўпаймоқда. Лекин интернетнинг шиддатли ривожи, ижтимоий тармоқлар мавқеи, босма нашрлар ички сиёсатида рўй берган ўзгаришлар биз, журналистларнинг ҳали бир-биримиздан ўрганадиган, маслаҳатлашадиган масалалар оз эмаслигини кўрсатмоқда.

Конференция ишида миллий журналистикамиз олдида турган долзарб вазифалар, ахборот майдонида ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг ўрни хусусида сўз юритилди. Шунингдек, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини янада тўла қондириши ва бу борада учраётган муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

— Бугунги шиддатли даврда дунёда ахборот учун кураш кучайиб кетди, — дейди «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов. — Ҳар бир ахборот воситаси ўз аудиторияси учун курашмоқда. Ахборот технологиялари тараққий этган Японияда, Жанубий Кореяда адади жуда катта бўлган нашрлар бор. Бизнинг нашрларимиз ҳам замон талабларига мослашиши зарур. Мавзу танлашга янгича ёндашувимиз, ёзиш услубимизни ўзгартиришимиз керак. Айниқса, босма нашрларда чуқур таҳлилга асосланган мақолалар салмоғини кўпайтириш кун тартибидаги муҳим масала. Бунга эса чуқур билим ва тинимсиз изланиш орқали эришилади.

Конференция иштирокчилари Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар боғида бўлишди. Қаҳрамон шоир ҳайкали пойига гулдасталар қўйди. Шоирнинг мемориал музейида Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим манбалар билан танишди. Қувасой шаҳридаги «Водий тулпорлари» наслчилик мажмуасида амалга оширилаётган ишлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

КЛАСТЕР — ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

— «Кластер» назариясини ўрганиш жаҳон жамиятида тез суръатларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишига айланмоқда.

— 1980 йиллардан кейин «Кластер назарияси» нинг ривожланишида 3 та муҳим (Америка, Британия ва Скандинавия ва бошқа) илмий мактаблар ютуқларини кўришимиз мумкин.

Америка олимлари — М.Портер «Рақобат устунлиги назарияси», М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар «Минтақавий кластерлар концепцияси», А.Маршалл «Саноат ҳудудлари назарияси», П.Бекатин «Итальян саноат округлари назариялари», М.Сторпер «Идеал ҳудудий кластер» назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гуруҳдан ўрин олган.

Айнан шу олимлар назарияларида кластерлар — ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Британия назариётчиларининг (Ж.Даннинг, К.Бримен,Шмит, Ж.Хамфрилар) фикрича, кластер — ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иқтисодиётнинг асосини белгиловчи институционал назариялардир.

Скандинавия олимлари (Б.О.Лундвалъ, Б.Йонсон, Б.Асхайм, А.Изаксон) — кластернинг эволюцион ривожи бир қатор босқичлардан ўтишини айтишади, яъни туғилишидан тугагунича.

Кластерлар назарияси рус олимлари Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хурусталиев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатдошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутади.

Биология фанида «генлар кластери», «бактериялар кластери», «вируслар кластери» каби тушунчалар ҳам мавжуд.«Таълим тизими кластери» каби тушунчалар ҳам мавжуд. Таълим тизимидаги кластер эса, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти, аспирантура, докторантура, малака ошириш каби жараёнларни қамраб олувчи бутун умр давомидаги таълим занжирини бир-бирига узвий боғлашдир...

Иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, Кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Кластерлаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги иқтисодий тизим деб ҳам қараш мумкин.

Кластернинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутади. Агар дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас қўли (рақобат) туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, иннавацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллатиришини тақозо этмоқда.

Кластер иштирокчилари деганда — кластерда фаолият юрутувчи бозор субъектлари тушинилади.

Ривожланган давлатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг, халқаро логистик марказларининг, эркин иқтисодий зоналарининг ўрни ва ахмияти жуда юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантиш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. Кластер Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финляндия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган.

Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари енгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқатлар ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда.

Кластерларни шакллантириш жараёни Жанубий — шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Масалан, Германияда яқин вақтгача минтақавий кластерлар ривожланиши давлат аралашувисиз кечар эди. Бироқ 2003 йилда ҳукумат кластер ташаббусларига жиддий эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, юқори технологияли соҳаларни лойиҳалашда амалга оширилди. Давлат нафақат маҳаллий, балки бошқа манбалар ҳисобидан саноат ва илмий марказлар куч-ғайратини бирлаштиришни кўзда тутмоқда.



Кластер «Эркин илмий-техникавий зоналар» шаклида ташкил этилмоқда. Эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари — технополислар шаклида ташкил этилади.

Технопарклар иккита асосий компонентлар: ишлаб чиқариш саноатнинг илғор соҳасидаги корхоналар ва мутахассислар (университет, институт, илмий-тадқиқот институти, лабораторияларнинг кучли гуруҳлари) дан таркиб топади ва уларнинг фаолияти рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Халқаро амалиётда синалган Кластер назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат истиқболида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай мамлакат, ҳудуд ёки вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, энг аввало, ишлаб чиқараётган товарларни маҳаллий ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, яъни харидоргирлиги орқали аниқланади. Мамлакатнинг таълим тизимидаги ислоҳотлар ва барча илмий, маънавий-маърифий ривожланишларнинг якуний кўрсаткичи ҳам товарлар ва хизматларимизнинг замонавий бозорларда рақобатбардошлигининг таъминланиши билан баҳоланади.

Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар таҳлилларида «кластер» тушунчасига қуйидаги таърифлар берилган:

— кластер — битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гурухи.

— кластер — битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган корхоналар гуруҳи.

— кластер — махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.

— кластер — горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳи.

— кластер — жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи корхоналар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.

— кластер — тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

— кластер — ҳудудий концентрациялашувига асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустирлашган мажмуа.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат, нефтъ, газ, химия, биотехнология, фармация, информатика, автоқурилиш, транспорт-логистика, рекреацион-туристик, озиқ-овқат, таълим,балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ишланмалари яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароит пайдо бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда халқаро кластер кординаторларини тайёрлаш илмий марказлари ва кластер проектлари бўйича Кенгашлар пайдо бўлади.

* * *

Юқоридаги маълумотлар, фикрлар иқтисод фанлари доктори, профессор Муртазо РАҲМАТОВ ва қишлоқ хўжалик фанлари академияси аъзоси, биология фанлари доктори, профессор Бакридин ЗАРИПОВнинг яқинда «Zamin Nashr» нашриётида чоп этилган «Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш» китобидан олинди.

Ушбу китобни ўқиб, Кластер тизимининг ўзига хос кўплаб хусусиятлари, жумладан, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси, пахта-тўқимачилик кластери, Бухоро вилоятидаги кластерда қўлланиладиган инновацияларнинг йўналишлари ва бошка кўплаб маълумотлар билан танишиш мумкин.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ОЛИЙ СУД РАИСИ ЧЕККА БИР ТУМАНДА ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Унда 58 нафар фуқаронинг мурожаати тингланди

Қўшработ туманида миш-миш тарқалди:

— Олий суд раиси туманимизга келиб, қабул ўтказармиш, одамларнинг дардини эшитармиш...

Лекин бу гапларга биров ишониб, биров ишонмади.

— Бўлмаган гап, бирорта судья келса керак-да, энди кимсан Олий суднинг раиси Қўшработдек бир чекка туманга келармиди, деганлар кўп бўлди. Айримлар «Шу гапга ишониб бўладими, Олий суд раиси узоқ бир туманга келганини шу чоққача ким кўрган? — деди.

Аслида эса бу хабар миш-миш эмас, ҳақиқат эди.

Ҳозир Олий суд раҳбарияти республикамизнинг чекка-чекка туманларида бўлиб, кўчма қабуллар ўтказишни йўлга қўймоқда. Аммо одамларнинг ишонмаслигига ҳам асос бор. Биринчидан, улар шу пайтгача бунақа қабулни кўришмаган. Иккинчидан, Олий суд раҳбариятининг кўчма қабул ўтказиши дунё тажрибасида ҳам йўқ. Ўзбекистон Олий суди раисининг шахсан ўзи энг узоқ туманларда бўлиб, одамларни қабул қилиши мамлакатимиз аҳолиси учун ҳам янгилик.

Самарқанднинг энг узоқ тумани, ҳудуди дашту далалардан иборат, қишлоқлари бир-биридан анча олисда жойлашган Қўшработда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комилов туман аҳолиси учун сайёр қабул ўтказди.

Қабул туман марказининг сўлим масканларидан бири, ажойиб боғда ташкил этилдики, у ерда Олий суд раисига мурожаат қилувчиларнинг эркин кириб-чиқишлари, тадбир қатнашчиларининг Олий суд раиси фикрларини тинглашлари учун қулай имконият яратилган эди.

Тадбир аввалида раис юртимизда Президентимиз ташаббуси билан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти хусусида батафсил тўхталди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш мақсадида қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони аҳамияти ҳақида гапириб берди. Ушбу Фармон суд ҳокимиятининг мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берганлигини айтди.

— Судда кимдир ютади, кимдир ютқазади, — деди К.Комилов. — Албатта, ютган одам суднинг адолатли бўлганини гапирса, ютқазган бунинг аксини айтади. Шу боис лозим даражада суд жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида видеоконференция, аудиоёзув ва онлайн усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Ушбу қабулда биз — журналистлар ҳам иштирок этдик. Очиғи, қабулга келганлар кўп эди. Улар орасида бошқа туманлардан келганлар, ҳатто, қўшни Навоий вилояти вакиллари ҳам бор эди.

Қабулга бир отахон кирди. Юзкўзидан асабийлашаётгани, нимадандир қаттиқ норозилиги кўриниб турарди. Масала оилавий можаро бўлгани сабабли отахон кимлигини ёзишни лозим топмадик. Раис унинг гапини диққат билан тинглади. Сўнгра, ҳуқуқий маслаҳатлар берди. Масаланинг ҳал этиш тартибини тушунтирди. Отахоннинг юзлари ёришди.

Бобур МАМАДИЁРОВ олган сурат.

Қабулдан мамнун бўлиб чиқаётган 50 ёшлар атрофидаги фуқарони саволга тутамиз:

— Қандай масала бўйича мурожаат қилдингиз ва жавоб сизни қониқтирдими?

— Мен Абдуманнон Эрназаровман. Қўшработ туманининг Қўштамғали маҳалласида яшайман, дея ўзини таништирди у. – Акам Очил Эрназаров 40 йилдан буён Ургут туманидаги руҳий касалликлар шифохонасида даволанар эди. Яқинда у кишини уйга бутунлай қайтаришди. Ҳозир ёши 60 дан ошган. Аммо бирорта ҳужжати йўқ. Унга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун идорама-идора, архивма-архив юриб, чарчадим. Қабулда бу муаммо бўйича маъмурий судга мурожаат қилишим кераклиги тушунтирилди ва ишим ҳал бўлишини айтди. Жуда хурсанд бўлдим.

— Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро суди ва вилоят судининг қарорига нисбатан назорат тартибида шикоят аризаси билан мурожаат қилдим, — дейди фуқаро Рената Галиева. – Мутахассислар менга ҳужжатларни иловалари билан тўлиқ топшириш ҳақида тушунча беришди. Албатта диққат билан кўриб чиқамиз, дейишди.

Яна бир фуқаро Феруза Назарқулова ўзига берилган ҳуқуқий маслаҳатдан қониқиш ҳосил қилганини айтди. Уни анчадан буён ҳовли-жой масаласи қийнаб келган. Олий суд раиси масала тез кунда қонун доирасида кўриб чиқилишини билдирди.

Қабулда Олий суд раиси ва судьялар томонидан аҳолининг 58 мурожаати эшитилиб, 21 мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат ҳамда тушунча берилди. Ўрганиш талаб этиладиган 37 мурожаатнинг кўриб чиқиш муддати белгиланди.

Энди ўйлаб кўрайлик, қабулда бўлган шунча одам Олий суд раисига дардини айтиш учун неча юз километр йўл босиб, республика пойтахти – Тошкент шаҳрига бориб келиши, қабулига ёзилиб, бир неча кун навбат кутиши керак эди. Вақт, харажатдан ташқари асаббузарликни айтмайсизми? Олий суд томонидан йўлга қўйилган бундай қабуллар одамларни ортиқча ташвишдан, ортиқча харажатдан қутқазяпти. Энг муҳими, одамларнинг суд тизимига бўлган ишончини, ҳурматини ошираяпти.Суд раиси ҳам фуқаролар дардини судьялардан эмас, балки уларнинг ўзидан эшитмоқда. Бундай қабуллар ўз навбатида раисга суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жойларда қандай амалга ошаётгани, одамлар ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинаётгани тўғрисида аниқ маълумот беради.

Қўшработда ташкил этилган кўчма қабул буни яна бир бор исботлади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жиноят содир бўлди!..

ЎҒРИ ҚОЧИБ КЕТОЛМАЙДИ

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида шу йил 21 сентябрь куни фуқаро О.Г. Саксонота маҳалласида жойлашган намунали уйлардан бирининг дераза панжарасини бузиб, ўғирлик қилиш мақсадида уйга киради. Ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган туман ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика катта инспектори, майор К.Б. уни сезиб қолиб жиноятчини ушлашга ҳаракат қилади О.Г. қаршилик кўрсатиб, уни уриб жароҳат етказган. Шундай бўлсада О.Г. ушланган.

Майор К.Б.га эса касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖАНЖАЛИ ФОЖИА БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида 2018 йилнинг 22 сентябрь куни «А.Т.Хўқандий» даҳасида вақтинча яшовчи Политехника касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси И.И. ўзаро жанжал сабаб шу коллежнинг 2-босқич ўқувчиси Э.М.га пичоқ билан жароҳат етказган. Натижада Э.М. касалхонага ётқизилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, И.И. қўлга олинган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МОШИНА ОЛИБ ҚОЧГАН ШАХС «ЭРКИН» ЙПХ МАСКАНИДА УШЛАНДИ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида 2018 йил 22 сентябрь куни номаълум шахс фуқаро F.И.нинг уйи олдида эшиклари очиқ ҳолда қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-2103» русумли автомашинани ҳайдаб қочган.

Кўрилган тезкор чоралар натижасида автомашина Чилонзор туманида жойлашган «Эркин» ЙПХ масканида ушланиб, ушбу жиноятни Жиззах вилояти Фориш туманида яшовчи С.У. маст ҳолда содир этганлиги аниқланди. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ТАЛОНЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида шу йил 22 сентябрь куни 2 номаълум шахс фуқаро А.И.ни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, қўлидан ичида 2 млн. 685 минг сўм пули, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва телефон қувватлантириш мосламаси бўлган барсеткасини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинганлар. Натижада А.И.га касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилган. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Чирчиқ шаҳрида яшовчи С.С. ва Ф.Д.лар содир этганликда гумон қилиниб, ушланган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИДА КЎРСАТИЛМАГАН МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР

Шу йил 7 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан «Навоий» чегара маскани орқали Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган Р.О. ва Б.А. исмли аёлларнинг қўл юкларида божхона декларациясида кўрсатилмаган умумий қиймати 224 млн. 731 минг сўм бўлган 3 047 дона мобиль телефонлари борлиги аниқланиб, ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

... «ЛАСЕТТИ» ТОПИЛДИ

2018 йилнинг 22 сентябрь куни Гурлан туманида яшовчи Ш.О. С.А.нинг «Ласетти» русумли автомашинаси кўчада эшиклари очиқ, калитлари ўзида қаровсиз ҳолда қолдирилганлигидан фойдаланиб, автомашинани ҳайдаб қочган.

Кўрилган чоралар натижасида Ш.О. автомашинани Жамбул кўчасида ҳайдаб кетаётганида вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЖИНОЯТ ТЕЗЛИК БИЛАН ФОШ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшовчи С.А. ИИБга мурожаат қилиб, шу йил 5 сентябрь куни А.П. исмли аёл ва Б.Х. исмли йигит «Маданият» МФЙ ҳудудида уни уриб тан жароҳати етказиб, 200 минг сўм пули ва «Нокия» мобиль телефонини олиб кўйиб, воқеа жойидан яширинганлигини маълум қилган.

Кўрилган чора-тадбир натижасида Б.Х. ва А.П. қўлга олинган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТЎРАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ходими.

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ!

МАҚОМНИ БОҒЧАДАНОҚ БОЛАЛАРГА ҚУЛОҚҚОНДИ ҚИЛИШ КЕРАК!

Бу — таниқли созанда, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси Бозорбой Ўриновнинг фикри

Кўп қадим Хоразм мақомларининг зукко билимдони Бозорбой Ўриновни атай уйларига йўқлаб бордик. Сўнгги даврда озроқ оғриганлари боис кўнгил сўраб, дардига Аллоҳдан шифо тиладик. Бу миллий мусиқамиз гултожиси бўлмиш мақомларга том маънода иккинчи умр бағишланаётган кунларга тўғри келди. Президентимиз томонидан ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш мақсадида шу йилнинг 6-10 сентябрь кунлари қадим Шаҳрисабз шаҳрида мақом санъати биринчи халқаро анжумани ўтказилганини бастакор қувонч ёшлари билан қабул қилганини айтди. Негаки, сўнгги йилларда ойнаи жаҳонни ва саҳналарни енгил-елпи қўшиқлар эгаллаб олгани ҳеч кимга сир эмас. Мақомлар эса... гўё музей осори атиқаларига айланиб қолаётгандек эди.

— Сизнингча ҳозир мақом ижрочилари концерти ташкил қилинса, томошабин йиғилади, деб ўйлайсизми?

— Мақомга — бу ўлмас қадим мумтоз мусиқага, унинг бетакрор айтим йўлларига иштиёқманд инсонлар кўп, деб ўйлайман. Бу ўринда: ким мақомни ижро қилиши муҳим! Сўнгги даврда мақом туркумига кирувчи қўшиқларни ҳар ким ўз йўли, овозига мослаб айтиш ҳолатлари кўп кузатиляпти. Энди...ҳамма ҳам мақом йўлида айта олмайди-да! Бунга худо берган овоз керак, маҳорат керак.

— Мақомга иштиёқманд томошабинлар орасида ёшлар неча фоизни ташкил қилишаркан?

— Оғриқли савол. Ёшларимиз енгил-елпи куй ва қўшиқларга, айниқса ғарбона оҳангларга муккасидан кетгани бор гап. Лекин, буни ўткинчи ҳолат деб биламан. Шу заминда туғилиб ўсган, томирларида боболари қони оқаётган инсон борки, бугунми, эрта албатта мақомга қайтади.

— Америкалик руҳшунослар шундай тадқиқот ўтказишган: бир гуруҳ ёшларни тўплаб, бетўхтов рок мусиқа, эшиттиришади, яна бир гуруҳига эса фақат мумтоз мусиқаларни. Кейин тадқиқ қилишсаки, рок томошабинлари асабий, қон босимлари ошган, руҳий зўриқиш ҳолатидалар. Мумтоз санъат иштиёқмандлари сокин кайфиятда, соғлиқлари жойида. Сўрамоқчи бўлганим — мусиқа инсон руҳиятига қанчалик таъсир қилади?

— Э, таъсири катта! Ҳатто бизда — Шарқда мусиқа билан даволашган ҳам. Аммо енгил-елпи қўшиқ, мусиқалар билан эмас, мумтоз асарлар билан. Шу маънода мақомлар мутлақ шифобахш хусусиятга эга.

— Хоразм олти ярим мақомлари ҳақида тўхталсангиз.

— Мақомлар ўз атамасидан келиб чиқиб, олтита:«Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Ироқ»дан иборат.- Бизда эса унга қўшимча тарзда яна ярим мақом йўли бор. Тўғрисини айтиш керак, ярим мақом йўлини тан оладиганлар бор, тан олмайдиганлар ҳам.

— Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Равшан Юсупов бир мақоласида сизнинг мақом санъатига бағишланган илмий ишларингизни эътироф этган эди: «...Бозорбой Ўриновнинг «Қалъабанди» номи билан бизга маълум бўлган икки қисмли мўъжазгина дурдона асари асосида салобатли мақомсифат туркум вужудга келиши ажойиб ҳодиса. «Рок» шўъба туркуми, «Панжгоҳ» мақоми айтим йўлларини тиклаш бўйича тажриба мақомшунослик фани, мақом усталарининг диққат-эътиборидан четда қолмаслиги лозим...»

— Юқорида эслатганингиз — «Қалъабанди», «Рок» шўъба туркуми; «Панжгоҳ» мақоми айтим йўллари бўйича кўп йиллар изланишлар олиб бордим ва унут бўлаёзган бу мумтоз дурдоналарни қайта тиклаб, нотага солиб, элимизга қайтардим, мусиқа мактаблари учун қўлланмалар ёздим. Бу камтарона меҳнатим умримни беҳудага яшамаганимни кўрсатади.

— Сиз нафақат назариётчи, балки амалиётчи ҳамсиз. 1988-2000 йилларда Хоразм телевидениеси қошидаги Хоразм мақом жамоасига бадиий раҳбарлик қилдингиз...

— Бу Хоразм мақомларининг қайта тикланиш даври эди. Яхши жамоа шакллантирдик. Мақом жамоаси ижросида қадим мақомларимиз республика ва Хоразм радиоси олтин фондига ёзилди, видеотасмага туширилди.Яхлит бир китоб ҳолига ҳам келтирдик. Бу иш бошида миллатпарвар инсонлар турганини айтиб ўтишим керак.

— Ўша вақтда мақом жамоасида ишлаганларнинг барчаси мақом мусиқаси, айтим йўлларини ёд билишармиди?

— Албатта, талаб шундай эди. Яқинда ўша пайтда биз билан бирга ишлаган бир санъаткордан шу ҳақда қизиқиб сўрадим. Айтдики, мақом мусиқаси, мақом йўлларини ёд олиш бошқа, уни доимо ижро қилиш бошқа. Яъни, тан олдики, аксари ёдидан кўтарилган...

— Ҳозирда вилоятимиздаги қайси санъаткор бутун мақомларимизни ёд билади, деб айта оласиз?

— Ҳожихон усталар учун бу болаликдан қулоққонди бўлган, ўлгунича хотиридан ўчмаган мумтоз бир бойлик эди. Буни бошқалар ҳақида айта олмайман.Мақомларнинг айрим айтим, чертим йўлларини биладиганлар кўп, аммо, бутунлигича...

— Мамлакатимиз раҳбари мақом санъатига эътиборни кучайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Халқимизни бу мумтоз қадриятга яқинлаштириш — бир умрлик ошно қилиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Менинг қатъий фикрим: мақомни боғчаданоқ болаларга қулоққонди қилиш керак. Шундагина у бир умр бу боқий санъатдан баҳра олади, унинг ишқибозига, керак бўлса, ижрочисига айланади...

...Машҳур бастакор хонадонидан чиқиб, ишхонага бориш учун машинага ўтирдим. Ҳайдовчи — ёшгина йигит радиодан мусиқа тинглаб келаётган экан — нима дерсиз — кўп қадим, эшитганда кишини сел қиладиган мақом ижро қилинаётганди...

Рўзимбой ҲАСАН
суҳбатлашди.

«Оппоғой» ҳақидаги эртак асосида яратилган мультфилмларни нафақат болалар, ҳатто ота-оналар ҳам қизиқиб томоша қилишади. Лекин бу эртакни балет сифатида тасаввур этиб кўрганмисиз?..

«Оппоғой» эртаги балет талқинида

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри саҳнасида «Оппоғой ва етти гном» балет спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этишди.

Ушбу балетни К.Хачатурян мусиқасига балетмейстер, хореограф Равшан Чориев саҳналаштирган бўлиб, Оппоғой образини Эльмира Юсупова, шаҳзода образини Достон Турғунов яратган.

Маълумки , балет оддий спектаклдан фарқли равишда сўзсиз, фақат рақс ҳаракатлари ва актёрлик маҳоратини талаб этади. «Оппоғой» ҳақидаги балет ҳам мураккаб ҳаракатларга бой, рақслар ранг-баранг. Нафис, кўркам баъзида сокин, гоҳида шиддаткор. Рақс ҳаракатлари асар қаҳрамонларининг феъл атворидан келиб чиқиб, саҳналаштирилган.

Айниқса балетнинг саҳна декоратцияси барча томошабинларни ҳайратга солди. Масалан, ўрмоннинг кўриниши, қироличанинг саройи, баҳор, қиш фаслларининг бари очиб берилган. Шунингдек, актёрларнинг либослари образларнинг характеридан келиб чиқиб жуда мос танланган. Аммо баъзи жойларида жузий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, бир пардадан бошқа пардага ўтиш вақтида бироз кутиш ҳолатлари ва тайёргарлик жараёнлари... Томошабинлар саҳна ортидаги ҳолатларни кўриши асар нуфузига бироз бўлса-да путур етказади.

«Оппоғой» эртагини айнан балет талқинида томошабинлар эътиборига хавола этишдан мақсад нима? Биз бу саволга жавоб топшимиз учун олдин мана шу асарнинг ғоясига эътибор беришимиз лозим. Ушбу асарнинг ўзига хослиги шундаки, унда эзгулик билан ёвузлик, ёруғлик ва зулмат ўртасида кескин кураш бориши, ёмонликнинг устидан яхшиликнинг ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, бу асар инсонларни яхшиликка чорлайди. Асарни айнан балет кўринишида саҳналаштириш балетмейстердан жуда катта маҳорат талаб этади. Биламизки, болалар жуда қизиқувчан, ўй ҳаёллари тарқоқ бўлади. Улар мана шундай содда, қизиқарли спектакларни томоша қилиши муҳим аҳамиятга эга. Агар мана шу балет томошасига ота оналар фарзандлари билан келишса, биринчидан, болаларда балет санъатига қўникма пайдо бўлади, иккинчидан, улар қалбида инсоний фазилатлар шаклана бошлайди.

Мафтуна МИРЗАХЎЖАЕВА

РЕКЛАМА

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алакоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй. 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Ўрташиқ қишлоғи, ЭММХ телефон: 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Saidkamol XODJAYEV, Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6736 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.

O`zA yakuni — 22:10.
Topshirilgan vaqti — 02:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6